

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, номидан Низомга асосан фаолият юритувчи **раис А. Хаджаев** шахсида, ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «**Axborot-tahlil multimedia markazi**» давлат муассасаси, кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади, номидан Уставга асосан фаолият юритувчи **директор С. Алижонов**, иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар”, алоҳида эса “Тараф” деб юритилувчилар, ушбу шартномани ўзаро келишув ҳамда шартнома тузиш эркинлигига асосланиб тузадилар ҳамда Ижрочи Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг бир тармоғи сифатида, 2022 йилнинг январь ойидан ўзбек, рус ва инглиз тилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари, Фармойишлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини кенг ёритиб бориш бўйича видеороликлар, лавҳалар ва репортажлар (кейинда – телемахсулотлар) тайёрлаб, уларни эфирга узатиш учун “O‘zbekiston 24” телерадиоканалига топширишга келишадилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Ижрочи Буюртмачига 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари, Фармойишлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини кенг батафсил ёритиб бориш бўйича видеороликлар, лавҳалар ва репортажлар (кейинда – телемахсулотлар) тайёрлаб беришни, Буюртмачи эса Ижрочи томонидан тайёрланган видеороликлар, лавҳалар ва репортажларни (кейинда – буюртма) қабул қилиб олиш ва ҳақини Ижрочига тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи билан келишилган ҳолда буюртма ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланади.

1.3. Буюртма, Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингандан сўнг, Компаниянинг архив фондига топширилади ва «O‘zbekiston 24» teleradiokanali» давлат муассасасининг сўровномасига асосан телеканал эфирда намоиш этилади.

II. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Шартнома бўйича буюртмани бажариш ҳақи 2022 йилнинг январь-март ойига **501 804 300,00** (беш юз бир миллион саккиз юз тўрт минг уч юз) сўмни **ҚҚС билан** ташкил этади. Қолган ойлар учун тўлов ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги қўшимча келишув билан Тарафлар келишувига кўра белгиланади.

2.2. Буюртма бўйича ишлар Ижрочи, Буюртмачи ва «O‘zbekiston 24» телерадиоканали ўртасида телемахсулотлар эфирга узатилганлиги тўғрисида 3 томонлама далолатнома расмийлаштирилгандан сўнг бажарилган ҳисобланади.

2.3. Ҳар ойдаги бажарилган ишлар бўйича тўлов, Ижрочи, Буюртмачи ва «O‘zbekiston 24» телерадиоканали томонидан расмийлаштирилган далолатномада белгиланган сумма келаси ойнинг биринчи ўн кунлигида Буюртмачи томонидан Ижрочига ўтказиб берилади.

2.4. Буюртмачи Ижрочига ҳар ойда эфирда берилиши режалаштирилган телемахсулотларнинг умумий кийматининг 30% миқдоридан олдиндан тўлов ўтказилади. Тўловнинг қолган 70%ни, буюртма қабул қилиб олингандан сўнг тўлайди.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

3.1.1. Ижрочидан мазкур шартнома асосида берилган буюртмасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари, Фармойишлари шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича материалларни тайёрлашни талаб қилиш.

156
05.01.2022

3.1.2. Ижрочи томонидан бажарилган телемахсулотлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга), эфир талабларига, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, қабул қилишни рад этиш.

3.1.3. Шартнома шартлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари, Фармойишлари шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича тайёрланган материалларни тайёрлашдан аввал маҳсулотнинг бадий савияси, эфир хусусияти, адабий тил нормаларига амал қилиш ва яна бошқа зарур деб ҳисобланган ҳар қандай таклиф, талаб, билдиришларни ёзма равишда Ижрочига етказиш.

3.2.2. Мазкур шартнома асосида берилган буюртмага мувофиқ тайёрланган материаллар Архив фонди томонидан кўригикдан ўтказиб, сўнг Ижрочидан қабул қилиш.

3.2.4. Келишилган ҳақни мазкур шартноманинг II-бўлимида белгиланган миқдорда ва муддатларда Ижрочига тўлаб бериш.

3.3. Ижрочининг ҳуқуқлари:

3.3.1. Шартнома бўйича Буюртмачидан тўловни талаб қилиш.

3.3.2. Телемахсулотларни қабул қилишдан Буюртмачи асосиз равишда бош тортган ҳолларда, етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Ижрочининг мажбуриятлари:

3.4.1. Буюртмачининг берган буюртмаси ва мазкур шартнома шартларида белгиланган сифатда ва муддатларда тайёрлаш;

3.4.2. Телемахсулотларни тайёрлаш жараёнида шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талаби билан аниқланган барча камчиликларни ўзаро келишилган ҳолда оқилона белгиланган муддатларда бартараф этиш.

IV. Тарафлар жавобгарлиги

4.1. Телемахсулотларни тайёрлаш учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда Буюртмачи Ижрочига муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.2. Телемахсулотларни тайёрлаш кечиктирилган ёки тўлиқ ишланмаган ҳолатда Ижрочи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган қисми қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

4.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган Тарафни, шартномани зарур тарзда бажармаслик сабабли етказилган зарарларни қопланишидан озод этмайди.

4.4. Агарда тақдим этилган ёзма кўрсатмага ўз вақтида ўзгартириш киритилмаса ёки амалга оширилиши лозим бўлган буюртмадан бош тортса, Буюртмачи иш жараёни учун сарф этилган жами харажатни қоплайди.

4.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган Тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни нормалари билан белгиланади.

V. Форс-мажор

5.1. Тарафларга боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлар (сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлиши оқибатида шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса, Тарафлар жавобгарликдан озод этилади. Форс-мажор ҳолатлар Вазирлар Маҳкамасининг “Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш механизмини амалга киритиш тўғрисида” 2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарорига биноан белгиланади.

5.2. Буюртмачининг берган буюртмасига биноан Ижрочи томонидан хизматлар кўрсатилаётган вақтда, яъни телемахсулот тайёрлаш жараёнида об-ҳаво шароити, табиий офатлар, давлат аҳамиятига молик тадбирлар, сценарийда келтирилган воқеа - ҳодиса ва фасллар ўзгариши зарурияти туғилганда, Тарафларнинг ўзаро келишувига кўра хизмат

кўрсатиш муддатлари ва шартноманинг айрим шартларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

VI. Низоларни хал қилиш тартиби

6.1. Тарафлар ўртасида мазкур шартнома шартларини бажариш вақтида юзага келиши мумкин бўлган барча келишмовчилик ва низолар, Тарафларнинг ўзаро келишуви билан, агар келишувга эришилмаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда хал этилади.

VII. Қўшимча шартлар

7.1. Шартнома Тарафлар имзолаган вақтдан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 мартига қадар, ҳисоб-китобларни тамомлаш борасида бўлса, барча тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар амалда бўлади.

7.2. Шартнома, бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, ҳар икки Тарафга сақлаш учун топширилади.

7.3. Шартномага ўзгартириш ёки қўшимча киритиш фақатгина Тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма тартибда амалга оширилади.

7.4. Ижрочининг тижорат нархларига ўзгаришлар киритилган тақдирда шартнома асосида Буюртмачи белгиланган маблағни 100% миқдорида Ижрочи ҳисобрақамига ўтказган бўлса, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилмайди. Агарда белгиланган маблағ тўлиқ ўтказилмаган бўлса, янги нарх асосида қайта ҳисоб-китоб қилинади.

VIII. Тарафларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари

БУЮРТМАЧИ:
Ўзбекистон миллий
телерадиокомпанияси

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, 69 уй
Тел/факс: 214-99-33, 214-99-36
ШҒХ: 100 010 860 262 777 084 200 137 003
Телерадиотўловнинг СТИРи 200 935 548 ИФУТ 94111
Ҳисоб-китобнинг бошқаруви
ЯҒҲ: 23 402 000 300 100 001 010
Марказий Банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси
Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲКОМ) МФО: 00014
Ҳисоб-китоб бўлиминининг СТИРи 201 122 919



А. Хаджаев

ИЖРОЧИ:
Ўзбекистон миллий
телерадиокомпаниясининг
«Ахборот-таҳлил multimedia markazi»
давлат муассасаси

Ўзбекистон МТРК «Ахборот-таҳлил
multimedia markazi» давлат муассасаси
100021, Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 2-уй.
Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
УзР Молия вазирлиги Ҳазначилиги
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919
ш/хр: 100010860262777084200137011
ш/хр: 400110860262777084200137006
ИНН: 306 247 201 ОКЭД: 60200



Директор

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик
юртувчи субъектлар фаолиятининг
шартномаси» – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги
Қонунига мувофиқ, мазкур шартнома
имзолашга тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон
миллий телерадиокомпаниясининг Ю.Ш.С.
бўлимида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.
6 05 21 21



Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига 2022 йилнинг I чорақ учун «Аxborot-tahlil multimedia markazi» давлат муассасасининг видеороликлар, лавхалар ва репортажлар тайёрлаб беришни режаси

№ п/п	Номи	Тариф - I дона шархнинг ўртача баҳоси ҚҚС билан (ЎЗР Президентининг Қарор, Фармон, Фармойиш шархи)	2022 йил I чорақ учун		жумладан ойлар бўйича (микдори)
			сумма (сўм)	режаси (микдори)	
1.	Январь 2022 йил		140 975 121		
	Видеороликлар, лавхалар ва репортажлар	6 713 101,0	6 713 101	21	21
2.	Февраль 2022 йил		147 688 222		
	Видеороликлар, лавхалар ва репортажлар	6 713 101,0	6 713 101	22	22
3.	Март 2022 йил		147 688 222		
	Видеороликлар, лавхалар ва репортажлар	6 713 101,0	6 713 101	22	22
4.	ҚҚС суммаси		436 351 565		
5.	Ҳаммаси:		501 804 300	65,0	65,0

Бош бухгалтер

Ш.Кадиров